

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№35 (7011-7012)
1999йил, 28 октябрь

Сотувда эркин нархда

Инсон боласи
борки, киндик қони тўкилган
тупроқни севади, ардоқлайди.
Киндик қони тўкилгани учун эмас,

жангоҳга чорлаган, Дукчи Эшонни оёққа
тургазган ана шу тупроқнинг муҳаббати эмасми?
Фурқатни йиғлатган ана шу тупроқнинг
соғинчи эмасми?

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

қанчадан-қанча боболарини бағрига
яширганлиги учун ҳам унга интилади.
Дунёдаги ҳеч қайси файласуф бу интилиш
боисини изоҳлаб бера олмаган ва бера
олмайди ҳам. Одамзот экилган жойдан
униб чиқадиған дарахт эмас. У бир ерда
кўкаради ва бир ерга кўмилади. Эҳтимол
унинг буюклиги ҳам шундадир. Оламда
миллатлар кўп бўлгани каби, ватанлар ҳам
улар ҳақида тасавурлар ҳам кўп. Бирор
инсон йўқки, бирор гўшани севмаса,
соғинмаса!

Биз учун дунё харитасида
тугмадек худудни эгаллаган,
аслида миллион-миллион
тақдирларни, миллион-миллион
қиёфаларни ўз бағрига олган
Ўзбекистон - Ватан. Унинг
қисмати - бизнинг қисматимиз.
Унинг ютуқлари - бизнинг
ютуғимиз. Чўлидаги янтоғидан
тортиб, тоғларидаги
сувларигача юрагимизга яқин.
Ҳар бир гиёҳдан
боболаримизнинг нафаслари
уфуриб тургандек. «Бу йўллар кўп
қадим йўллардир», - деб ёзган эди
ўзбекнинг аллома шоирларидан
бири. Нақадар тўғри эътироф?!

Бугун биз билан сира
оддий бўлиб туюлган, ҳар куни
мактабга борадиган ва
қайтадиган йўллар қўчонлардир
Навойини манзилига етказган.
Қачонлардир Машрабнинг оёғини
куйдирган. Қанчадан-қанча
Бобурларга, Фурқатларга армон
бўлган. Ҳар бир қаричидан
Чўлпонлар, Ойбеклар, Усмон
Носирлар чиқади бу тупроқнинг!

Эҳтимол, шунинг учун ҳам
юрагимизга яқиндир. Шунинг
учун ҳам, соғинамиз,
сиғинамиз. Унга отилган
тошларга кўксимизни
қалқон этамиз.

Жалолиддин
Мангубердини

Шунинг учун қаттиқроқ босишга уяласан бу
тупроқни. Гўё, боболарнинг юрагини эзаётгандек
титроққа тушасан киши.

Бугун Ватанимиз ўзлигини топмоқда. Бу
сўзлар кимгадир баланд парвоз бўлиб туюлиши
мумкин. Инсонларнинг уйғонаётган, кимлигини
англаётгани айни ҳақиқат. Атрофда кечаётган
ўзгаришлар, янгиланаётган қиёфалар сени
хушёрликка ундайди. Ана шу тупроқни севишга
ўргатади. Сени бағрига босаётган, сенга умид



ВАТАН - ОНА

Нодир эшикдан кира солиб, елкасидаги ҳаворанг осма
жилдини стол устига қўяркан, ошхонада қуймаланаётган
ойнисига савол берди...

-Ойи, ойижон, Ватан нима?

Ойиси Нодирнинг башмоқчасини ечишга ёрдамлашаркан:

-Ватан - бу бизнинг уйимиз, - деди жилмайиб.

-Йўк, билмадингиз, - деди Нодир билагонлик ва гурур
билан.

-Ўзинг-чи, ўзинг биласанми? - деди ойиси ўғлидан жавоб
кутаркан.

- Қани, айт-чи, сенинча, Ватан дегани нима экан?

-Мен энди Ватан нималигини биламан, - деди Нодир
қўлини баланд кўтариб. - Ватан бу - Салимнинг онаси!

-Буни сенга ким айтди?

-Ўқитувчимиз шундай дедилар.

-Ўқитувчинг тўғри айтибди, - суҳбатга аралашди пайпоқ
тўқиб ўтирган Нодирнинг бувиси кўзойнагининг устидан
ўғринча қараркан. - Ватан синфдошинг Салимнинг онаси
бўлиши билан бирга сенинг ҳам онанг бўлади, тойчоғим.
Буни ҳеч қачон унутма!

-Унда Салим нега биз билан бирга турмайди? - деди Нодир
бувисига савол назари билан қараркан.

Нодирнинг бувиси бошини сарак-сарак қилиб кулди.

-Нега энди Салим биз билан бирга туриши керак?
Уларнинг ҳам ўз уйи бор-ку!

Нодир яна билагонлик қилди.

-Ватан, ҳам Салимнинг, ҳам менинг онам бўлса, унда
бизлар ака-ука бўлаемиз-ку! Ака-укалар битта уйда туришадиди,
шундайми?

-Шундай, Ватан ҳаммамизнинг уйимиз, Ватан
ҳаммамизнинг онамиз! Шунинг учун ҳаммамиз уни
асрашимиз ва севишимиз керак! - деди Нодирнинг бувиси
неварасининг бошини меҳр билан силаб.

Шерзод ЗОИРОВ,

Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.

билдираётган давлатингга, унинг
порлоқ эртаси учун курашаётган
халқингга нимадир бахш этгинг
келаверади. Уйғонаётган инсонлар
даврасида уйғониб яшагинг келади.
Шунда бу Ватанин нақадар
севишингни тушуниб етасан.
Унинг ганиминини ганим,
ғалабасини ғалаба деб қабул
этасан. Ватан номини еб, унга
қарши бораётган, бугун сен
англаб етган муҳаббатни
арзимас ақчага сотаётган
инсонларга нафрат туғилади
юрагингда. Ана шу нафратнинг
туғилиши сенинг Ватанингда,
отангга, онангга бўлган муҳаббатинг
эмасми? Сен аста уйғона бошлайсан.
Ортиндан кимдир келаётганини ҳис
этиб яшайсан. Эртага келадиган
авлодлар олдида масъуллигингни
тушуниб етасан.

Ўзбекистон! Сенга бошқачароқ
эшитилади энди бу сўз. Яна
шивирлайсан: Ўзбекистон! Она
Ўзбекистон!...

Биз сени севаемиз, Ўзбекистон!
Менинг аждодларимни яширган Она
Тупроқ! Боримиз, юрагимиз сеники.
Бугунимиз, эртამиз сеники. Биз сени
соғинамиз, Ўзбекистон! Сени
бировларга тутқазиб
қўймаймиз. Биз сени ҳеч кимга
бермаймиз, Ўзбекистон!

Шухрат ОРИФ,
ТошДуинг

1-курс талабаси

БЕШИКДАГИ БОЛАНИ УЙГОТИБ ЮБОРАДИГАН АНЖУМАН

Алишер Навоий номли нафис санъат лицейида қўшалок байрам бўлди. Бири ўзбек тилига Давлат мақоми берилганининг 10 йиллиги тантанаси бўлса, бири - Республика ижодкор ўқувчиларининг 5-анжумани. Нафосат кечасига 12 вилоят, Тошкент, шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан-жамми 42 нафар иштирокчилар ўзларининг раҳбарлари, устозлари, ота-оналари билан келиб, гўзал мушоира ташкил этдилар. Албатта, мезбонлар-лицей ўқувчилари ҳам мушоирада ўзларининг



нафис ижодлари билан қатнашиб, даврага ўзгача файз бағишладилар. Халқ таълими вазири Ж.Ф. Йўлдошев, ўзвчилар уюшмаси раиси ўринбосари Й. Сулаймон, ХТВ бошқармаси бошлиғи Ж. Фозилов, РТМ раҳбари Г. Яхёева, шоирлар С. Барноев, И. Отамурод, Т. Адашбоев, устозларнинг сеvimли газетаси «Маърифат» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари А. Раҳимов ва ўз телерадиокомпанияси ижодкорлари ҳам даврада ҳозир бўлдилар. Мушоира кечгача давом этди, аммо ҳеч ким чарчамади. Аксинча, кайфиятлар аъло эди. Ўстларини сафи кенгайган, янги дўст орттирган ижодкорлар мамнун эдилар.

МАДҲИЯ ЯРАТГАН ИЛҲОМБЕК

Албатта, анжуман Ўзбекистон мадҳияси билан бошланди. Нафис санъат лицейи ўқувчилари тайёрлаган адабий-бадиий композиция барчага маъқул бўлди. «Ўзбекистон» тимсолидаги ўқувчи «Ўзбекистон ёшлари келинг бирга бўлайлик, Ота-онамизга биз ҳам ёрдам берайлик», дея «Ер шарини яхшилар қўлига топширди. Даврадаги «Ижодбек» ва «Илҳом париси» - «Сиз кирмаган бўстондан бизлар гуллап терамиз», деб ижодкор ёшлар помидан ваъда беришди. Энг қувончлиси ижодкор ёшлар мадҳияси яратилиб, у гўзал мусиқа ила ижро этилди:

Мевалари бой боғу бўстоним,
Гунчаларга бурканган гулистоним.
Сени яшатар бу икки дарё,
Сенга тан берган бутун Осиё.

Нақорат:
Озод Ўзбекистоним,
Гўзал Туроним.

Бир эслайлик юртим, улуг инсонларингни.

Ватан деб жон берган шоху
хоқонларингни.

Нақорат:
Озод Ўзбекистоним,
Гўзал Туроним.

Сенда яшаган, кўлаб ботирлар.
Улар ҳозир мангу, ухлаб ётирлар.

Нақорат:
Озод Ўзбекистоним,
Гўзал Туроним.

Сени Алишер олди қаламга,
Улугбек танитди сени оламга.
Сенда яшаган Темури, Бобурлар,
Сени озод қилишди буюк инсонлар.

Нақорат:
Озод Ўзбекистоним,
Гўзал Туроним.

Юқоридаги мадҳияни Сурхондарё вилояти Музрабод туманидаги 13-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Илҳомбек Жумаев ёзибди. Биз унга «балли Илҳомбек» дедик.

«ШЕЪРИНГИЗ НЕГА КАМ»? ДЕСАМ...

«Хар бир нарса гўзал бўлмоғи лозим», - дея сўз бошладилар Жўра Ганиевич. Бугун маънавиятимиз асоси - Тил байрами ва нафис нафосат байрамидир. 5 йилдан бери 450дан ортиқ ижодкор ёшлар кашф этилди. «Нафосат» клубини аллалаб қатта қилдик. Ундан ортиқ ўқувчи «Ўзвчилар уюшмаси»га аъзо бўлди. Бу - мустақиллик нашидаси.

Вазириимиз истеъдодли ўқувчиларни топиб юрадилар. Наманган туманидаги 8-мактабнинг 4-синф ўқувчилари Маҳлиёхон Ёрмирзаева, Дилфуза Тожнаҳмедовани ҳам кашф этганлар. Катта анжуман ўтказилаётган мактабда бу қизчалар шеър топирашми деб ўтирган эмиш. Суриштирсалар, улар ёдлаган шеърларини устозларига айтиб берар эканлар. Бирдан сўрабдилар:

- Нечанчи шеърингизни топираясиз?
- 222-шеъримни.

Дуч келган рақамни айтсалар, Маҳлиёхон рақам рўпарасидаги шеър номини дафтардан айтиб ёдлаб берармиш.

Иккинчисидан сўрабдилар:

- Сиз нечанчи шеърни топираясиз?

- 28-шеърни.

- Нега сизнинг шеърингиз кам?

- Ҳаммаси ўзим ёзган шеърлар - ўзимникида, - дермиш.

Анжуман куни ҳам Дилфузахон бир неча шеърни ёд айтиб бердилар. Шоир Йўлдош Сулаймон бундай қизларни бугун Ўзбекистон билмоғи лозим, бундай анжуманлар «ҳатто бешикдаги болаларни уйғотиб юборади», - дея лутф қилдилар.

Юртимиздаги минг-минглаб ўқувчилар печтадан шеър ёд биларкинлар? Бу ҳақда ёзиб юборарлар. Унгача Маҳлиёхон ва Дилфузахонлар голибдилар...

КИМ АЙБДОР?

Намангандаги «Иқтидор» тўғараги раҳбари Оташ Холмирзаев анжуман таассуротларини сўзлаб, «Барча вилоятлардан келган ёш ижодкорларнинг чиқиши ажойиб ижодкорлар этишгаётганидан далолатдир» дедилар. Пешқўрғонлик Феруза Муродова «Кўзмунчоқ» номли китобчаси билан келибди. Китобчадаги «Ким айбдор?» луқмасини келтирмоқчимиз. Зора унга жавоб топилса.

Дарслигимиздаги маълумотга қараганда, Маҳмуд Қошғарий (Девони-луғати-турк) асарларини 1076-1077 йилларда ёзган ва ўшанда 50 ёшда бўлган. Демак, у 1026-1027 йиллар орасида туғилган деб кўрсатилади. У 1126 йили 97 ёшда вафот этганлиги ҳам дарсликда аниқ ёзилган. Агар, 1126 дан 97 ни айирсак, Маҳмуд Қошғарийнинг туғилган йили 1029 йил бўлиб аниқ чиқади. Муаллифлар нега бундай чалқашликка йўл қўйишади экан? Менимча, айбдор фақат улар эмас. Нашр этишдан олдин дарслигимизни кимлардир текширгандир? Ахир, катталар ҳам адашадими?



НАФОСАТ ГУЛШАНИГА САЙР

Фаргона вилояти Ўзбекистон тумани болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази раҳбари Сорахон Аҳмедова анжуман таассуротлари ва «Тонг юлдузи» ҳақида самимий фикрларини билдирдилар:

- Газетанинг ҳар бир сонини ўқиб борамиз. Таклифимиз, газетада шу ижодкор ёшлар фаолияти яқиндан ўрганиб, ёритиб борилса.

Фарғоналик Маъруфжон Фатҳидинов Риштон туманидаги 2-иқтидорли болалар лицейининг 8-синфда ўқийди. Шеърини ўқиб баҳо бериш сизга ҳавола:

..Шеърятни Мажнундек севиб,
Сўз тоғидан сўз дуррин териб,
Меҳрингизни менга ҳам бериб,
Менга қуш тилини ўргатинг бобо.

Нима ҳам дер эдим, Сиздан ортиқроқ,
Мен сизга шогирдман, дилимда чироқ.
Турарман мен сиздан беш юз йил йироқ,
Менга қуш тилини ўргатинг бобо.

Боғдошлик Дилдора Йўлдошеванинг шеърлари содда, самимийлиги билан манзур бўлди.

АШИРМУЛ

Биласанми тонг сахар,
Нега сайрайди булбул?
Нечун мени ҳар куни,
Ҳидлаб ўтади Ойгул?

Чунки менинг жозибам,
Хусни жамолим сумбул.
Мушк анбар ҳиди келар,
Чунки, исми Атиргул.

ТИЛ БАЙРАМИ

Тил тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига 10 йил бўлди. Мана энди бемалол ўзбек тилини мактайдиган, кўча чеккаларидаги ёзувда русча эмас, балки ўзбекча ёзувларни кўриб, ўқийдиган бўлдик. Бирор ишга кирмоқчи ёки ишдан бўшамоқчи бўлсак, рус тилида эмас, ўзимизнинг она тилимизда ариза ёзадиган бўлдик. Бизни ҳеч ким саводсиз демайдиган бўлди. Энди мустақил юрт-

нинг мустақил фуқароларимиз. Ўз она тилимизни ҳеч кимга камситтириб қўймаймиз.

1999 йил 21 октябрда тил тўғрисидаги қонуннинг кучга кирганига 10 йил бўлган бўлса, ҳар йили шу кунни барча мактабларда, таълим-тарбия масканларида байрам сифатида нишонлашади. Бу йил ҳам 1-сонли Тошкент педагогика билим юртида "Тил байрами" деб номланган катта байрам бўлиб ўтди. Бу

байрам дастурини асосан 2-"е", 2-"с" гуруҳ талабалари тайёрлашди. Байрамга барча она тили, адабиёт фан уюшмалари, билим юрти директори Миноввар Исмоилова, бўлим бошлиғи Бахмал Хамдамвалар қатнашишди.

Тил тўғрисида кўплаб шеърлар, кўринишлар намойиш этилди. Байрам ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Ирода СОБИРЖОН қизи.

МОҲИР СПОРТЧИЛАРИМИЗ

"Биз билим юртига кирганимизга мана бу йил 2 йил бўлди. Мана шу йиллар ичида бизнинг командамиз кўрсатган маҳоратларни кўпчилик билади", - дейди команда сардори Якубжанова Дилафруз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам 1-курсликларидан буён билим юртининг олқишига сазовор бўлиб келаётган 2-"ж" гуруҳ талабаларидан йиғилган қизлар, ҳозирда ҳам спортнинг кўпгина турлари бўйича ўтказилаётган беллашувларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Бир ёкадан бош чиқариб, иш қилмоқ ҳамма ерда қўл келади деганларидек Якубжанова Дилафруз, Каримпотова Махлиё, Холиқова Жамола, Миртолипова Дилафруз, Рашидова Наргиза, Тоирова Зилола, Юнусова Ферузлар биргаликда 1-курсларидан команда тузиб, волейбол, баскетбол, шохмот каби спорт ўйинларида катнашиб, барча гуруҳларнинг устидан галаба қозонмоқдалар. Масалан, аввалги йили 1-курслар бўйича ўтказилган баскетбол бўйича 1-"н", 1-"п", 1-"р", 1-"л" гуруҳларини мағлубиятга учратиб, 1-курслар бўйича биринчилиكنи қўлга киритишди.

Ётоқхона бўйича ўтказилган баскетбол ўйинида, яъни 4-қават билан 1-қават беллашганда 1-ўринни, 2-қават билан 1-қават беллашганда эса 1-ўринни қўлга киритишди. Мана шу йилларда улар 1-қаватнинг энг моҳир спортчилари деб тан олинди. Волейбол бўйича ҳам ўтказилган мусобақаларда ҳам совринли ўринларни соҳиби бўлишди.

Шохмот бўйича ўтказилган саралаш мусобақаларида Холиқова Жамола барча синовларни аъло даражада бажариб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

Дарслардан сўнг Талабоев Ўткир бошчилигида спорт ўйинларини ўйнашни тўхтатишмайди. Албатта, бундай фахрли ўринларни эгаллашганида ўқитувчи Талабоев Ўткирнинг хиссаси катта.

Нима бўлса ҳам устозни изидан бориб, унинг меҳнатини юксакларга кўтариш ҳам бахт.

Биз ёш спортчиларимизга бундан кейинги мусобақаларида фақат зафарлар тилаймиз.

И.МИРСОАТОВА, Тошкент шаҳридаги педагогика билим юрти талабаси.



ЛИЦЕЙ ЕТТИ ЁШДА

Тўйтепа шаҳри, Қорасув жамоа хўжалигида қад кўтарган лицейнинг ишга туширилганига етти йил бўлди. Ҳа, етти йил тарих саҳнасида кам дерсиз, лекин бу ерда амалга оширилган ишларни кўриб, лицейнинг ишга туширилганига етти йил бўлибди, деб ҳеч ҳам ўйламайсиз. Чунки бу таълим масканида жуда кўп хайрли ишлар қилинди.

Бу лицей 1992 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, кўпгина соҳалар бўйича ўқувчиларга таълим-тарбия ишларини олиб боради. Лицейда 600 нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олишади.

Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб химия-биология, физика-математика, ҳуқуқ-тарих ва бошқа фанларда йўналтирилган алоҳида синфлар ҳам ўқитилади. Бу эса ўқувчиларнинг билим юртларига киришлари учун пухта замин тайёрлайди.

Ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги компьютерлар билан ишлаш, ўқувчиларни ўргатиб бориш йўлга қўйилган. Инглиз тили бўйича йўналтирилган синфларга дарсларни пухта, чуқур ўзлаштиришлари учун ўқув қўлланмалар билан етарли даражада таъминланган.

Бу лицейга 8 ва 9-синфларни яқунлаганлар қабул қилинади. 8-синфни тамомлаб келган ўқувчилар 3 йил таълим олишади. 9-синфни яқунлаб келган ўқувчилар эса 2 йил таълим

олишади.

Лицейнинг бошқа мактаблардан фарқли томони шундаки, барча хоналар яхши таъмирланган, кўرғазма қуруллар билан етарли даражада ишлаш яхши йўлга қўйилган.

Лицейга ўз ҳужжатини топширган ўқувчилар худди ўзини катта-катта билим юртларига киргандек ҳис қилиши аниқ. Чунки лицейга тўғридан тўғри ҳужжат топшириб кириш билан чегараланмайди. Ҳар бир ўқувчи компьютерлар ёрдамида тест саволларига жавоб бера олса лицейда ўз ўқишини давом эттириши мумкин.

Барча билим юртлари ёки бўлмаса мактаблардаги сингари бу ерда ҳам тартиб-интизом қатъий. Лицейда ўқувчиларга алоҳида форма жорий этилган.

1999 йил лицейнинг ишга туширилганига етти йил тўлди. Мана шу қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даража ишлар амалга оширилди. Ҳозирда ҳам бу лицей таълим-тарбия ишлари билан чегараланиб қолмай танловларда беллашувларда пешқадамликни қўлдан берилмаяпти. Олимпиадаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Кўпинча лицей ўқувчилари тўғридан-тўғри финалга йўлланма олишади. Ҳа, келажакда порлок юртнинг фарзандлари ҳам етук, соғлом бўлиб етишади. Мана шундай фарзандлар шу лицейда етишиб чиқарсин.

Тест

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Қайси сўзлар тўғри ёзилган?

- А. Ҳасан, меҳмон, хайрон, ҳаракат, хийли-найранг
- В. Шубха, Шухрат, изох, шахс, сохта
- С. Саҳифа, хўжалик, ҳабар, ҳаёт, ҳам
- Д. Соха, воха, ҳамма, ниҳоят, изох
- Е. Хола, ҳабар, Ҳамза, ҳайкал, гоҳо.

2. Қуйидаги ҳайвон маҳсулотларининг қайси бирида энг кўп энергетик қиймат (КЖда) бўлади.

- А. Мол гўштида
- В. Чўчка гўштида
- С. Эритилган мол ёғида
- Д. Голланд пишлоғида
- Е. Сигир сутида.

3. Пифагор теоремаси қандай геометрик тушунчаларни боғлайди?

- А. Ўткир бурчакли учбурчак томонлари ва баландлиги;
- В. Тенг ёнли учбурчак томонлари ва медианасини;
- С. Тўғри бурчакли учбурчак асосини ва биссектрисасини;
- Д. Тенг томонли учбурчак томонларини;
- Е. Тўғри бурчакли учбурчак томонларини.

4. Чет мамлакатларнинг қайси бирида энг кўп темир рудаси қазиб олинади.

- А. АҚШ
- В. Австралия
- С. Бразилия
- Д. Хитой
- Е. Ҳиндистон.

5. Ўзбекистондаги қайси вилоят аҳоли зичлиги бўйича энг олдинги ўринни эгаллайди?

- А. Андижон вилояти
- В. Бухоро вилояти
- С. Наманган вилояти
- Д. Тошкент вилояти
- Е. Фарғона вилояти.

6. Халқаро Бирлашган Миллатлар ташкилати қачон ва қаерда ташкил топди?

- А. 1944 йил май, Кримда
- В. 1945 йил апрель, Сан-Франциско
- С. 1946 йил июль, Ялта
- Д. 1947 йил июнь, Техрон
- Е. 1948 йил август, Потсдам.

7. 1969 йилда қайси мамлакатнинг космонавти ойга қадам қўйган?

- А. СССР
- В. АҚШ
- С. Буюк Британия
- Д. Франция
- Е. Япония.

8. Қадимги Грециянинг машҳур шоирларидан ким "Элада" достонини ёзган?

- А. Лукреций
- В. Овидин
- С. Голаций
- Д. Вергилий
- Е. Юввал.



ШАЙТОН ЎЙИНИ



Кино - "ҳаракатдаги тасвир" ибораси билан ўзига тамал тошини қўйган. Лекин мана шу тасвирни ҳаракатга келтириш учун бир неча йиллар кўплаб кишиларнинг меҳнати зарур бўлди.

1800 йиллар биргина ҳаракатни тасмага тушириш учун бир қанча сериани яратиш лозим бўлган. Ака-ука Люмьерлар киного асос солдилар. 1880 йил катушкали тасмалар яратилди. Кейин камерани ўйлаб топдилар. У қисмларни алоҳида-алоҳида олиб, сўнг эпизодлар ҳаракатини мувофиқлаштиришни амалга оширади. Бу фильм кадрларига тўғри келар эди. Шундай қилиб, кадрлаш кетма-кетлигидан "ҳаракатдаги тасвир" вужудга келди. Бу кашфиёт жуда машҳур бўлиб кетди. Дастлабки тасвирлар ҳам жуда жўн эди. Тасвирга денгиз, юграётган от, арғимчоқ учаётган болалар, станцияга тўхтаётган поездлар туширилган.

Биринчи сюжетли фильм 1903 йил Томас Эдисоннинг лабораториясида яратилган. Унинг номи "Улкан поезднинг ўғирланиши" деб номланган. Фильм катта шов-шувга сабаб бўлди. Уни махсус қорайтирилган чодирда кўрсатилган. Илк кинотеатрлар 1905 йил Қўшма Штатларнинг пенсильвани штатининг Питтсбург шаҳрида қурилган.

Яратувчилар уни синематография деб аташди. Тез орада бу "ўйин" мамлакат бўйлаб тарқади. Ва ҳамма кино кўришга кела бошлади.

Биринчи фильмлар илк бор Нью-Йорк ва Нью-Жерсда ишлаб чиқарилди. 1913 йилга келиб Холливуд фильмлари ишлаб чиқила бошланди.

Туркистонда эса асримиз бошларида хоразмлик Худойберган Девонов "Панче" камераси билан кадрларни тасмаларга муҳрлади.

ШАШКА БОБО

Инсонга аклий дам берадиган қадимий икки ўйин бор. Булар шашка ва шохмот. Улар бир-бирига жуда ўхшаш. Лекин шашка ўйини бирмунча соддарок ва биринчи кашф қилинган.

Шашкани қадимги Мисрда ўйнашганига ҳам 5000 йилдан ошди. Пеатон ва Гомерлар ҳам асарларида шашка ўйинлари ҳақида тўхталиб, у Қадимги Грецияда ҳам машҳур бўлганлигини маълум қилганлар. Римликлар шашка ўйинини греклардан ўрганишган дея тахмин қилишади.

Ўйин қоидалари билан таништириш баробарида биринчи навбатда ҳозиргидек шашка тахтаси кераклиги маълум қилинган. Ўша даврда бу тахтанинг ҳар томонида 12 кишидан ўйинчи ўтириб ўйнаган.

Шашка ҳақидаги биринчи китоб 1547 йил Испанияда чоп этилган. 1620 йили ҳам бу ерда бу ўйин ҳақидаги бошқа китоб чиқди. Унда юриш қоидалари, чиройли комбинациялар борасида сўз боради. Испанлар ўйинни маврлардан,

маврлар эса араблардан ўзлаштиришган деган тахминлар юради.

Англияда шашка ҳақидаги илк адабиёт 1756 йили нашрдан чиққан. 1800 йил ҳам навбатдаги асар чоп этилди. Уни Англияда шашка ўйини раҳбарларидан бири бўлган Джониза Стургес деган шахс ёзди. Бу адабиёт шашка ихлосмандларига 50 йилларча хизмат қилди. Бугунги кунда шашкани миллионлаб одамлар ўйнайди. Ўйин мантиқий фикр юритиш, онгий ривожланиш, диққатни жамлаш каби педагогик тарбия манбаи ҳисобланади.

Беморлар ё узоқ касалдан турганларга ҳам шифокорлар шашка ўйинини тавсия қилади. Уларнинг таъкидлашларича, бу ўйин даволаш аҳамиятига ҳам эга.



ҲОЗЛАР НИМА УЧУН ТИЗИЛИБ УЧАДИ?



Тасаввур этинг, осмоннинг қаеридандир "га-га-га"лаган овоз эшитиларди. Дарров бошингизни кўтарасиз ва шу он осмонда понасимон тизилиб, жануб томон учиб бораётган ғозларни кўрасиз.

Ҳозлар тизими 80 километр-соат тезликда учиб боради. Уларнинг нега шундай учаётганини тахмин қилишимиз мумкин. Ва сиз, самолётлар ҳам бир-бирини кўриб бориш, биринчи бўлиб учаётган

самолёт орқасидан бошқалари учиб боришини биласиз. Учиб кетаётган ғозларнинг ҳам кечаси, ҳам кундузи йўлни яхши биладиган, ақлли, кўпни кўрган йўлбошчиси бўлади. Понасимон тизим самолётлар каби ғозлар учун ҳам қулайдир.

Ҳозларнинг 40 га яқин тури мавжуд. 10-12 тури Қўшма Штатларда яшаб, деярли қишни ўтказишади. У Канада қуши деб ҳам аталади.

Ҳозларнинг энг кенг тарқалган тури "Канада ғози"дир. Кўчиш даврида у бутун Шимолий Американи босиб ўтади. Унинг боши қора, бўйнида қалин оқ доғи бўлиб, тумшуги олдида кенгайди ва баъзи пайтларда ҳар икки бетига ёйилади.

Канада ғози бир макиёни билан бир умр бирга яшайди. Унинг суйган овқати капалаклардир, аммо чувалчанг ва бошқа ҳашоратлар билан тамадди қилишни ҳам қанда қилмайди. Кўпроқ ўсимликлар - ёввойи гуруч, шакаркамиш илдизларини ейди. У ўз уясини ерни кўкраги баробар қазиб қуради.

Канада ғози тансиқ таом ҳисобланади ва яқин давргача ҳар йили минг-минглаб тутилари. Ҳар бир ғознинг оғирлиги 5-6 килограмм тош босади, аммо ҳозирги пайтда бу қушларни ов қилмаслик тўғрисида қонун қабул қилинган.

УЧАДИГАН ҚУШЛАР ОРАСИДА ЭНГ ЙИРИГИ ҚАЙСИ?

Мавжуд қушлар орасида энг йириги умуман учолмайди. Бу Африка туякушидир. Унинг бўйи 2.5 метр, оғирлиги 135 килограмм келади. Бундай қушнинг ҳавога кўтарилиши жуда машаққатлидир.

Учадиган қушлар орасида иккитасининг: альбатрос (тумшуги узун катта денгиз қуши) ва кондор (Жанубий Америкада яшайдиган ўлимтихўр йиртқич қуш)нинг қанотлари энг кенг ёйилади. Войга етган қушларнинг оғирлиги 13 килограмм атрофида бўлади.

Саёхатчи альбатрос учадиган қушлар орасида биринчи ўринда туради. Улар қанот қоққанда 3.5 метрдан ошади. Кондорники 3.5 метрга етади. Ундан кейинги ўринда Жанубий Америка, Мексика ва

Марказий Америкада яшайдиган шоҳ қорақуши туради. Унинг қанотлари силкинганда 3 метрга бориб қолади.

Катта қушларнинг навбатдагиси оқ сақоқушдир (қанотлари 2.5 метрдан ошиқ ёйилади), у Канада ва Американинг жанубий штатларида яшаб, қишда бошқа соҳилларга учиб кетади. Ҳозимон улкан парранда - катта тувалоқ турналарга авлоддошдир. У Европа, Осиё ва Африкада яшайди, қанотлари ёйилганда 2.5 метрдан ошади.

Ундан кейинги ўринни тоз ва олтин бургутлар эгаллайди. Ундан сўнг турна (ёйилган қанотлари билан ҳисоблаганда 2 метр). Пушти сақоқуш ва сор ҳам тахминан мана шундай катталикдадир.

МУЛЬТФИЛЬМ ҚИРОЛИ

Ҳозирги зангори экранда намоиш этилаётган кўпгина мультфильмларни Уолт Дисней компанияси ишлаб чиққан. Бу мультфильмларнинг қаҳрамонлари характери мўкаммал очилганлиги, воқеалар сюжетининг узвийлиги, юқори, малакали мутахассислар яратган персонаж костюмлари, овоз, монтаж маҳорати экран асарлари муваффақиятининг гаровидир. Бу ижодий компаниянинг номи нима учун Уолт Дисней билан боғлиқ? Бу шахс ким?

Бу исми ер юзидаги барча инсонлар эшитган ва биляшади. Уолт Дисней (1901-1966) - мультипликация тарихида бутун бир ўзига хос йўналишда ижод этган маҳоратли, таниқли режиссёр. У қўллаган услуб расмий фильмлар ишлаб чиқаришдаги техник асосга чорак аср қолип бўлиб хизмат қилди.

Режиссёр услуби шундан иборатки, фильм яратиш бир қанча босқичга бўлинади. Унда жуда кўп расомлар гуруҳи ишлайди. Уолт Диснейнинг биринчи фильмларидан - "Алиса мўъжизалар мамлакатида", "Освальд қувноқ қуёнча" номли мультфильмлар муаллифга муваффақият олиб келмади. Янги қаҳрамон - Микки Маус сичкони эса жуда машҳур бўлиб кетди. Дисней расмий фильмда энг асосийси ҳаракат эмас, балки қаҳрамоннинг руҳий сиймосидир, деб ҳисоблайди. Мана шунинг учун ҳам у яратган фильм қаҳрамонлари инсонлардаги ҳолатларни - қилиқлар, овоз, муомалага ўзлаштирган. Қаҳрамон яратишида режиссёр фақатгина ҳайвонларни хатти-ҳаракатларини кузатиш билан чекланмаганлар. "Актёрларидан" инсон ҳолатини йиғлаётгани, қулаётгани, хафа-хурсандлигини ҳам "очиқ беришни" сўрайди.

Ўз картиналарини ишлаб чиқиш мақсадида Дисней 1939 йил махсус киностудия очди. Бундан ташқари обрўни Калифорнияда режиссёр очган Диснейленд болалар учун қурилган улкан парк ҳам олиб бермоқда. Тез орада дунёнинг кўпгина мамлакатларида бундай парклар кўпгина давлатларда қурилади. Пойтахтимиз Тошкентда ҳам Диснейленд ишлаб турибди.



Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

БАНКЛАР

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсине 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариков ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсине ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материални ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартлари газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим ороғоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс голибларини

телевизор,

магнитофон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс голиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

3 - ДАРС

КРЕДИТ ВА КРЕДИТ ФОИЗИ

Айтайлик, кичик корхона нархи 4 миллион турадиган тўқув дастгоҳини сотиб олмақчи. Лекин, унинг банкдаги ҳисоб варағида бунча пул, маблағи йўқ. Шунда, корхона ўзига хизмат кўрсатаётган банкка қарз бериб туриш ҳақида муурожаат қилади.

Банк билан корхона ўртасида қарзнинг миқдори, қанча вақтдан кейин қайтарилиш муддати, кафолатлари, қарз ҳақи ва бошқа шартлар келишиб олинади ва кредит шартнома тузилади.

Банк бошқа мижозларининг сақланаётган маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобидан бу корхонага қарз беради. Қарзни банк тилида кредит деб аташади (лотинчада creditum - қарз маъносини англатади).

Албатта, банк корхонага қарз бериб турганлиги учун корхона банкка қарз ҳақи тўлайди. Қарз ҳақини - кредит фоизи деб аташади. Кредит фоизи миқдори - йиллик фоиз белгиланмасига (ставкасига) қараб белгиланади.

Йиллик фоиз белгиланмаси (ставкаси) бир йил давомида қарзга олинган пулнинг неча фоизи банк хизмат ҳақи сифатида берилиши кераклигини англатади.

Масалан, кичик корхона банкдан 4 миллион сўмни, бир йил муддатга, 20% - йиллик фоиз белгиланмаси билан олган бўлсин. Демак, корхона бир йилдан сўнг, 4 миллион сўмни қайтариш билан бирга банкка қарз ҳақи сифатида $4000000 \cdot 20\% = 800000$ сўм миқдорда кредит фоизи ҳам тўлайди.

Агар бу қарзни икки йилга олган бўлса, кредит фоизи миқдори икки марта кўп бўлади, яъни 1600000 сўмни ташкил қилади ва ҳоказо.

Умуман олганда, олинган қарз кредит миқдори - P, йиллик фоиз белгиланмаси - r, олинган қарзни қайтариш муддатини - t, деб олсак, у ҳолда кредит фоизи миқдори I, қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$I = P \cdot r \cdot t$$

Банкка жами қайтариладиган пул миқдори S эса,

$$S = P + I$$

формулага кўра топилади.

Айтайлик, “ЗИЁ” фирмаси “Савдогарбанк”дан 1000000 сўмни, ярим йилга, 30% - йиллик фоиз ставкаси билан қарзга олаётган бўлсин. Бу фирма банкка

$$I = P \cdot r \cdot t = 1000000 \cdot 30\% \cdot 0.5 = 1000000 \cdot 0.3 \cdot 0.5 = 150000 \text{ сўм}$$

$$S = P + I = 1000000 + 150000 = 1150000$$

сўм қайтаради.

Омонатчиларнинг банкка топширган пуллари - омонати учун ҳам банклар - омонат фоизи, деб аталмиш ҳақ тўлашади. Уларнинг миқдори ҳам - йиллик фоиз белгиланмасига боғлиқ бўлади.

Айтайлик, фуқаро Бурхонов банкка 20000 сўминини, 20% - йиллик фоиз ставкаси билан бир йилга қўйди. Бир йилдан сўнг банк унга

$$I = P \cdot r \cdot t = 20000 \cdot 20\% \cdot 1 = 20000 \cdot 0.2 = 4000$$

$$\text{сўм миқдоридида омонат ҳақи тўлаб, } 20000 \text{ сўм пулини}$$

$$S = P + I = 20000 + 4000 = 24000$$

сўм қилиб қайтаради.

Яна шунини ҳам айтиб ўтишимиз керакки, банклар қарз ва омонат фоиз миқдорларини яна бошқа усуллар билан ҳам ҳисоблашади.



3 - ТОПШИРИҚ

КРЕДИТ ВА КРЕДИТ ФОИЗИ

1. Тўғриси топинг.

Банкдан олинладиган қарзнинг йиллик фоиз ставкаси, бу

A. бир йил давомида банкдан олинладиган жами қарз миқдори;

B. бир йил давомида банкка қайтариладиган жами пул миқдори;

C. бир йил давомида банкка қайтариладиган фоиз миқдори;

D. бир йил давомида банк кўрсатган хизмати учун берилиши лозим бўлган ҳақнинг олинган қарз миқдорига нисбатан фоиз кўрсаткичи.

2. Корхона банкдан қарз олгандаги тузилган шартномада нималар акс эттирилади?

Жавоб: _____

3. “Само” фирмаси “Тадбиркор” банкдан 250000 сўмни беш ойга, 24% - йиллик фоиз ставкаси билан қарз олган. Муддат ўтгандан кейин фирма банкка қанча сўм қайтариши лозимлигини ҳисобланг.

Жавоб: _____

4. Банкда P - кредит миқдори, r - йиллик фоиз ставкаси, t - олинган қарзни қайтариш муддати бўлсин. Жадвалнинг биринчи устунидидаги ифодалардан нимани аниқлаш мумкинлигини топиб иккинчи устунга ёзинг.

$$I = 5 \cdot P \cdot r$$

$$I = 50000 \cdot t \cdot r$$

$$S = P(1 + 6r)$$

$$S = 2000000(1 + 25t)$$

5. Банкдан 1000000 сўм қарз олиб қандай ишлатган бўлар эдингиз?

Жавоб: _____

6. Банкда P - кредит миқдори, r - йиллик фоиз ставкаси, t - кредит муддати бўлсин. Жадвалнинг биринчи устунидидаги ифодадан нимани аниқлаш мумкинлигини топиб иккинчи устунга ёзинг.

$$S = P(1 + 3 \cdot r)$$

$$I = 30 \cdot P \cdot t$$

$$S = 50000(1 + 2r)$$

$$100000 = P(1 + 15t)$$

7. Анварнинг дадаси акциядорлик жамиятида ишлайди. Унинг 100000 сўм пул жамғармаси бор. Анварнинг дадаси шу пулга ишхонасининг акцияларини сотиб олганда йил якунига кўра 30% дивиденд кўринишидаги фойда олиши мумкин. Бу пулларни йиллик ставкаси 25% бўлган банкка топширган маъқулми ёки акция сотиб олганми?

Жавоб: _____

8. Тўғриси топинг.

Банкка топширилган омонатга белгиланладиган омонатнинг йиллик фоиз ставкаси:

A. бу пулни йил давомида ишлатишдан қўйилаётган банкнинг фойдаси;

B. омонатчи бир йилда қайтариб олиши мумкин бўлган пул миқдори;

C. банкнинг омонатчига бир йилда тўлайдиган ҳақнинг қарз миқдорига нисбатан фоиз кўрсаткичи;


D. банкнинг бошқаларга қарзга бериши мумкин бўлган пул миқдори;

E. омонатнинг бир йил давомида банкка сақланадиган қисми.

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).


Телефон: 29-19-41, 199-13-91.



Автомобиль
тўхташ
жойига бориш
учун ҳайдовчи
қайси йўлдан
юрсин?




Коптоқлардан
қайси бири
бошқаларидан
мантиқан
фарқ қилади?



Лабириндан иложи борица камроқ
нуқталарни кесиб ўтинг.



Суратдаги қайси ҳарфлар
ўзаро боғлиқ эканлигини аниқланг.



Биринчи қора катакдан иккинчисига
қандай етиб олиш мумкин?



Лабиринтдаги
ҳар бир соқчини
олдидан ўтишга
ҳаракат қилинг.
Бир марта юрган
йўлингиздан
қайтиб юрманг.



ЖАЛОЛДИДИН МАНГУБЕРДИ

Кўл очиб дуо қилинг,
Яхши тилак жо қилинг
Олиб навкарларимни,
Содиқ аскарларимни.
Ёвга қарши чиқаман,
Уни гўрга тикаман.
Оҳ қайсарсан жуда ҳам,
Билганигни қил болам.
Сен ўйнашма ёв билан,
Ёв эмас, олов билан.
Ҳонумнинг кул бўлур,
Навкарларинг кул бўлур.
Олиб қўшин, давлатим,
Ташлаб шону шавкатим.
Ёт юртдан топай паноҳ,
Золим экан фалак оҳ!
-Майли куйиб кул бўлай,
Эл не бўлса шул бўлай!
Бор экан танда жоним,
Қолгунча қатра қоним.

ЧИНГИЗ ТАН БЕРГАН ЎҒЛОН

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

Чингиз билан жанг қилгум,
Охир ҳолим танг қилгум.
Ё ҳаёту ё мамот!
Ёвдан қочмоқ мenden ёт.

III

Эл тузин этиб ҳалол,
Жангга отланди Жалол.
Билакка тўплаб кучин,
Ёвдан олмоқчун ўчин.
Чингизхонга ташланди,
Шиддатли жанг бошланди...
Кўшин сафи бузилди.
Чок-чокидан узилди.
Саф-саф бўлиб мўғуллар,
Жуда кўп эди улар.
Яланғочлаб қиличдин,
Билакка тўплаб кучин.
Келаверди саф-басаф.
Ботир Жалол бир тараф.
Кўпин қириб ташлади,
Тоғ-тоғ уйиб ташлади.
Жанг қилиб хапни ҳалол,
Охир толиқди Жалол.
Қуршовдан ёриб чиқди,
Ўзин қутқариб чиқди.
Чингизхонга ўқ узди,
Ўрда тинчлигин бузди.
Шунда содиқ бир нуён:
Кўксини этиб қалқон,
Чингизхон қолди омон,
Жалолга боқди ёмон.
- Қасосни унутинглар!
Тириклайин тутинглар!
Дебон айлади фармон,
Кўзлари тўлиб қон.

IV

Кувиб кетди нуёнлар,
Тутмоқ бўлди гумонлар.
Жалолнинг тулпор оти,
Жўшиб кетди ғайрати.
Амудан сакраб ўтди,
Соҳиби омон етди.
Қирғоқдан туриб Жалол,
Ёвларга тилаб завол.
Мушт ўқталди Чингизга,
Қонхўр, маккор, биткўзга.
Кўриб Жалол шиддатин,
Яшин каби ҳиддатин;
Чингиз ёқа ушлади,
Бармоғини тишлади.
-Буни дерлар жасорат.
Мана, ҳарбий маҳорат.
Мана, юртга садоқат.
Тўрт ўғлимдан биттаси,
Хоҳ кичиги каттаси
Шундай бўлса баҳодир,
Ман-ла урушга қодир.
Унга Шарқни берардим,
Ўзим Ғарбга юрардим.
Қолмас эди армоним,
Қийналмасди виждоним.
Жалолнинг жасорати,
Нафрати, ҳарорати,
Ибрат бўлсин баринга,
Катта-кичик қаринга
Жалол ёмон ёвимдир,
Йўлда қалтис говимдир.
Тан бердим юрагига,
Енгилмас билагига.

1. Нуён - аскар
2. Ҳиддат - тез, кескин.

ТИЛ БАЙРАМИ - ЭЛ БАЙРАМИ

1999 йил 21 октябрь ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан мактабимизда катта тантана бўлди. Бу байрамга Миробод туманидаги барча мактаб раҳбарлари, тил ва адабиёт ўқитувчилари ташриф буюрдилар. Байрамда бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари, Нодирабегим, Зебунисо ва Увайсийларнинг туркий тилдаги газалларидан парчалар ўқилди.

Оразинг зеб айла то гулзор
рашноланмасун,
Лаълдин сўз эт дури шаҳвор
рашноланмасун...

Хуллас, тантана жуда қизиқарли ва ажойиб ўтди. Мен хоҳлардимки, тил байрами бир кун эмас, йил бўйи нишонлансин. Шунда биз учун йил бўйи байрам бўлади.

Бону ҚАМБАРОВА,
Тошкент шаҳар,
Миробод тумани
214-мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

СИНФОМНИНГ АЙБИ НИМА?

Ўқиндан уйга қайта туриб икки бола бир қизни тўхтатиб, дўқ ураётганини кўриб қолдим. Сабабини билиш учун уларга яқинлашдим. Англасам, у қиз 8- «Б» нинг синфкоми экан. Болаларни дарсга яхши қатнашмаётганини синф раҳбарига айтгани учун у қиздан ўч олмоқчи эканлар.

Бечора қиз нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганида мен уларнинг ёнига яқинлашдим. Ўша заҳоти икки ўғил бола қочиб кетди. Қиз эса йиғлаб юборди. Қизни юпатиб, у болалар ким эканлигини сўрадим.

-Улар синфимизнинг хулқи ёмон болалари. Кеча дарсдан қочиб «Сего»га боришганини айтгандим, шунга мени сўқиб, бақирдишангити. Айбим, уларнинг ноўрин ишларини устозга айтганимми? Мард ўғил бола бўлишса, айбларини тан олмай, мени ҳақорат қилишармиди?

Воқеани сизларга бежиз сўзламадим. Ҳозирги пайтда ўғил ва қиз болалар аҳил бўлиб, яхши билим олишлари керак. Ўзбек ўғлонлари қизларни ҳурмат қилишлари керак. Мен шундай ўйлайман. Сиз-чи?
Шаҳло МУТАЛОВА.

Бизнинг мактаб Юнус-Обод туманидаги «Обод» маҳалласида жойлашган. Масканимиз Муҳаммад Фузулий номи билан аталади.

Мактабимизда «Истиқлол келажак» номли ташкилот тузилган. Ташкилотнинг ишларида бизнинг синф ўқувчилари фаол қатнашади. Унга Ирода она Дидрова раҳбарлик қиладилар. Бу ташкилотнинг мақсади ўсмир ва ёшларни етук висон қилиб тарбиялаш, Ватан саждагоҳ каби муқаддас эканлигини қалбдан тушутириш, атроф- муҳитнинг тозаллигини назорат қилиш кабилар.


Мактабимизда турли тўғарақлар ишлаб туради. Бу тўғарақлар ўқувчилар билан ҳаммуна гавжум. Шахсан мен «Қизиқарли математика» тўғарақига қизиқиб қатнашман. Унга бизнинг севишли устозимиз Карима она Амирова раҳбарлик қиладилар. Биз ўқувчилар Карима онамиздан кўп яхши нарсаларни ўрганимиз. Онамизнинг дарслари жуда қизиқарли. Тўғарақ машғулоти ундада қизиқ. Улар масалаларнинг осон счилиш сирларини ўргатадилар.

Математик топишмоқлар орқали бу фанга янада қизиқтирадилар. Аёллар йилида мактабимиздаги барча устозларимизни қутлаймиз. Доимо соғ-саломат бўлинглар. Биз ўқувчилар билан чарчаманглар.

Наргиза ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳар,
Юнусобод туманидаги
239- мактабнинг
8-«В» синф ўқувчиси

БОШҚОМТИРМА

СОАТ МИЛИ БЎЙИЧА: 1. Дорбознинг асбоби. 2. Қайга борса питилдўқ. 3. Китобнинг бош саҳифаси. 4. Катта бўлса-да, кичикка эгилади. 5. Мевали дарахтнинг биринчи марта қилган меваси. 6. Овқат тайёрлаш учун мосланган хона. 7. Икки-уч яшар буқа. 8. Ўзбекистон халқ шоири. 9. Нон ёпиш учун қурилган лой ўчоқ. 10. Фарзанднинг фарзанди. 11. Назария. 12. Реактив двигателли учинг ашарати.



УЗУН СОЧЛАР, ЎЗБЕКЧА СОЧЛАР

«Узун сочлар» ни тушунини мумкин, аммо ўзбекча сочлар деганингиз нимаси? Немисча, ўрисча ёки татарча сочлар ҳам бўладими? - деб сўрашингиз мумкин. Албатта бўлади. Менинг назаримда, тухум ёки ёки қатикча тўйинган, ироқи совун билан ювиб чайилган, ялпизу-райхонлар иси анқиб, ялтираб турган сочлардир, ўзбекча сочлар!

Саксон етти ёшли Кимё Абувимизнинг сочлари ҳамон иккита қилиб ўрилади. Чеккага ялпиз ва райхонлар таққанларидан ҳаминиша кучшбўй ҳил таралиб туради. Ҳадеб қолдига тушиб, ҳалақит бермаслиги кучун унга кумуш тангалар тақадилар. Ҳамон билакдек, ҳамон белларида чўлғонади, сочлари.

Чунки йиллар давомида яхши парвариш қилинган соч қариганда ҳам тўкилиб кетмас экан. Ҳозирчи, ҳозир пешонаси ҳалдан ташқари катта ва ялтироқ йигитларни кўрибгина



эмас, балки қиз-аёлларнинг ҳам сочи сийрақлигидан хавотирга тушаман. Ўтган ҳафта Ўзбекистон телевидениеси орқали бундан 41 йил аввал суратга олинган «Мафтунингман» фильмини намойиш қилишди.

Юлдузхоннинг иккита қилиб ўрилган сочи, унинг кўшиғига рақс тушаётган дутоналарининг орқаси билан битта бўлиб турган майда сочлари ўзбек қизларининг гўзаллигидан сўйларди. Бу гўзалликни эса улар табиат ато этган ҳолича асраб-авайлагандилар.

Ўғлим фильмдаги ақтёрларнинг костюм-шимини кўриб, «жуда замонавий кийинишган экан, бизда ҳам костюм устидан ёқа чиқариб юриш энди урф бўляпти», - деди. Беихтиёр «қизларнинг ушун сочлари қачон урф бўларкин?» деб савол бердим.

«Бунинг учун кўп вақт кўтади, ахир соч ўстириш осонмас, аммо узун сочни кесиб икки дақиқалик гап...»

Ўқилишимизда гўзаллигимиз узун сочларимизда, деб ўйлардик.

«Иккита ўриб, ипакли боғичлар билан танғиб, унга гул ва райхонлар тақиб кўз-кўзлаганимиз, синфдош қизлар

билан кимнинг сочи узун?» - деб баҳслашганимиз, сочни ўстириш учун эрта кўкламда ток зангининг сувига уни қайта-қайта ювганларимиз ёдимга тушди. Сийрак сочли қизлар жигар чаплаб ёки гурунчининг сувига сочини чайиб, ҳафта-ю-ойларни санашарди. Эсимда, мактабимизга чет

Оналар ёзади

элдан бир тақводор киши келди. Ҳаммамиз билан салом-алик қилгач, узун сочли қизларни кўрсатиб, сиз пайғамбаримизнинг қизларисиз, - деди. Аллоҳга шу узун сочларингиз, мўйчинак тегмаган қош-киприкларингиз билан яқинсиз. Чунки Аллоҳ қошини териб, сочини кесиб, ўзини «гўзал» қилмоқчи бўлганларни лаънатлайди. Мен-ку яратиб қўйдим, энди сен менинг устимдан яна яратувчанлик қилмоқчимисан? - дейди-да...

Маҳалламизда сочи қирқилган қизлар умуман йўқ эди. Рост, бир Робия исмли телба аёл бўларди. У ҳар гал касалхонада даволаниб келгач, сочлари қайчиланган бўларди. Назаримизда, фақат Робия каби касалхоналарда ётадиган ёки турмаларга тушадиган қиз-аёлларнинггина сочлари кесилган бўларди. Менинг гапларим айрим жинсдошларимга қаттиқ ботмасин, дейман-у, лекин ўз тилимиз, ўз динимиз, иймон-этиқодимиз қайтган кунларда уларнинг жаҳли чиқди нима-ю, чиқмади нима, мен учун! Алам қилса сочларини ўстиришсин. Ҳусну-камолатларини аслича, гўзаллигича намоён қилишсин. Ҳали ҳам вақт бор. Қолаверса, уруш пайтларида кўп қиз-

жувонларимиз сочларини кесиб, ёйиб юришни «мода» қилишиб, оқибатда бир умрлик мотам ҳолатига кириб кетдилар. Сочларини битта ўриш урф бўлиб, ниятлари йўлдош бўлди: турмуш ўртоқлари урушда ўлиб, тоқ қолдилар.

Мен сочлари «шаршара», сочлари «мажнунтол» қизларни кўришни истайман. «Кимнинг сочи узун?» деган кўрик-танловлар ўтказасамкикин-а?

«Сочи узуннинг ақли калта» деган мақоллар эскирганини би-ир намойиш қилар замона келди, ахир!

Эронча қўйлак, туркча камзул, инглизча оёқ кийими кийиб юрган қизалоқлар! Ўрисча нимча, немисча шим, уйғурча шапка кийган қизларжон! Ҳеч бўлмаса сочларингиз ўзбекча бўлсин. Аллақандай шампуну-совунларга соч ювиб, қазоғини аритаман, ўзини рангли жилолантираман, деб кўп уринаверманг, Ватанимизнинг об-ҳавоси, она тупроғимизнинг ўзи сизга шифокорлик қилади. Қўй-қўзилар, ситир-бузоқлар ўтлаб юрган дашту-чўлларда сочларингиз узун ва бақувват бўлиши учун хизмат қиламан деб турган ўсимликлар беҳисоб. Булоқ сувлари, обу-чашмалар юзингизни чайишга, ой чеҳрангизни яна ҳам равшанлаштиришга азму-қарор қилишган. Бошимиз узра чарақлаб турган қуёш шуъласидан ҳам ўринли фойдаланишни билсангиз, танингиз соғ, вақтингиз чоғ деяринг.

Кимнинг сочи узун? Қандай узун бўлди у?
Шу ҳақда «Тонг юлдузи» газетасига ёзиб юборинг.
Сизга эҳтиром билан:

КУМУШ.

ЭНГ ЗҲҲ САБЗАВОТ
-Энг зўр сабзавот қайси?
-Пшөз.
-Нима учун?
-У ҳаммани йиғлатади-да!

ХАСАННИНГ ҚАЙТУСИ
Хасан Илҳомга қайғуриб деди:
-Дилмуроднинг бошқа мактабга кўчиб кетгани чатоқ бўлди-да.
Илҳом:
-Бунча қайғурмасанг, дам олиш кунлари кўришиб тураверасизлар-да.
-Гапинг тўғрику-я, энди уй вазифасини кимдан кўчираман?-деди Хасан хўрсиниб.

ОДОБНОМА ДАРСИДА
Одобнома дарсида ўқитувчи Иномдан сўради:
-Бировнинг уйига кираётганда биринчи уй эгасига нима дейиш керак?
-Итларинг борми, йўқми дейиш керак,- жавоб берди ўқувчи.

БОШҚА ЖОЙГА ТУШИБСIZ
Телефон жиринглаб дастагини кичкина Шаҳло олди.
-Алло!- деган овоз келди ундан.
-Бошқа жойга тушибсиз, менинг исмим Алло

эмас, Шаҳло.

ТЕЛЕФОНИМИЗ ИШЛАЙ ҚОЛДИ
Дарс пайтида ўқитувчи Илҳомдан сўради:
-Нега уй вазифасини тайёрламай келдинг?
-Кеча телефонимиз ишламай қолди.
-Телефоннинг бунга нима алоқаси бор?
Илҳом:
-Ҳар куни ўртоғим Раҳимдан уй вазифасини телефон орқали билиб олардим-да...

ЖҲҲ ОЁҚИЛАР
Биология дарсида ўқитувчи Акмалдан сўради:
-Турт оёқлиларга мисол келтир.

-Арслон, от, ит.
-Яна-чи?
-Менинг 9 ойлик укам,- деди Акмал.

КҲҲҲНИНГ РАСМИ
Ашрафларниқига келган Ёрқин ундан сўради:
-Нимага ҳамма уйларингга мушукнинг расмини осиб қўйдинг?
-Уйимизда сичқон кўпайиб кетди-да,- деди Ашраф.

Дурдона ВАЛИХОНОВА,
Қўқон шаҳридаги 9- мактаб интернатнинг 8- синф ўқувчиси.

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚҰМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умила АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Йулдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙҮЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзаўлат
ТОШПҮЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Баҳолир ҲАЙДАРОВ,
Эргашвой САРИҚОВ,
Феруза ОДИЛОВА.

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 43.351
нускада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - К-74-21.
Газетани PENTIUM-
III типх компьютерида
А.АБДУҒАФФОРОВ
сахифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.
Тел: 144-62-34